



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

www.uzbovozi.uz

info@uzbovozi.uz

№21

2025-yil
28-may, chorshanba

1918-yil
21-iyundan chiqqa boshlagan



1 июнь — Халқаро болаларни
ҳимоя қилиш куни



БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Бола – оила қувончи, ҳаёт давомчиси. Беғубор нигоҳларида самимият ва қувонч балқиб турадиган фарзандларимиз ҳар биримиз учун бебаҳо бойлик.

Худди шундай, ўсиб келаётган авлод ҳар бир давлат ва жамият учун стратегик ресурс ҳисобланади. 1950 йилдан буён 1 июнь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида бутун дунёда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонланиб келиниши замирида ҳам келажагимиз ворисларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш ҳамда бунга жаҳон ҳамжамияти диққатини қаратиш мақсади мужассамдир.

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ



ОЧИҚ ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

Президентимиз томонидан “Халқ билан давлат ўртасидаги кўприк”, дея эътироф этилган маҳалланинг сўнгги йилларда ўрни ва ваколати оширилди, соҳа ривожига доир 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳар бир ҳудудда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизим жорий этилди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил қилинди.

5

МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЭНГ ОҚИЛОНА ЕЧИМ



2025 йил мамлакатимизда ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳал қилувчи йил бўлиши, бунинг учун 1,5 миллион аҳоли доимий ишга жойлаштирилиб, 2 миллиондан зиёд ҳамюртимиз истиқболли бизнесга жалб этилиши, 60 та туман ва шаҳар камбағаллик ҳамда ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилиши белгиланган.

2

МОЛИЯВИЙ ПИРАМИДА:

ФИРИБГАРЛАРНИНГ
ЧЎНТАГИНИ КИМЛАР
ТЎЛДИРЯПТИ?

ДОЛЗАРЪ МАВЗУ



7

МУКАММАЛЛИК – МУҲОКАМАЛАР НАТИЖАСИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини кузатиб бораётганлар кейинги пайтларда бир тенденцияга гувоҳ бўлишди. Яъни, кетма-кет бир нечта йиғилишда сиёсий партиялар фракциялари ўртасида қайсидир қонун лойиҳалари устида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Манфаатлар кесишди, сиёсий позициялар аниқ кўрсатилди. Воқеаларнинг узвий давоми сифатида ЎзЛиДеП ва “Миллий тикланиш” фракциялари “Тараққиёт блоки”, деб номланган янги сиёсий блок ташкил этди, бунга жавобан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзини парламентдаги мухолифат фракцияси, деб эълон қилди. Ушбу тенденция юртдошларимиз орасида кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Натижада қуйи палата фаолиятига қизиқиш янада ортиб кетди.

3

“ҚУЙИ ЧОТҚОЛ” ГЭС: ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР



Дунё миқёсида энергетик ресурслар тақчиллиги ортиб бораётган ҳозирги даврда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш чора-тадбирлари тизимли олиб борилаётгани диққатга моликдир. Жумладан, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти гидроэнергетик салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда янги ГЭСларни барпо қилиш йўлида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. “Чотқол дарёсида “Қуйи Чотқол” ГЭС қурилиши” инвестиция лойиҳаси шулардан бири.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида барпо этилаётган “Қуйи Чотқол” ГЭС қурилиши объектига “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ахборот хизмати ташаббуси билан бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди. Унда жамият бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Беҳзод Амирсаидов мазкур ГЭС қурилиши ва унинг аҳамияти ҳақида ахборот берди.

8



СИЁСИЙ ПУЛЬС: МУНОСАБАТ

МАҲАЛЛИЙ САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЭНГ ОҚИЛОНА ЕЧИМ



2025 йил мамлакатимизда ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда ҳал қилувчи йил бўлиши, бунинг учун 1,5 млн аҳоли доимий ишга жойлаштирилиб, 2 миллиондан зиёд ҳамюртимиз истиқболли бизнесга жалб этилиши, 60 та туман ва шаҳар камбағаллик ҳамда ишсизликдан холи ҳудудга айлантирилиши белгиланган.

Мана шундай аниқ маррани кўзлаган ҳолда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар халқимизнинг турмуш тарзида, ҳудудларимизнинг замонавий қиёфасида, ҳар бир жабҳада рўй бераётган янги ўзгаришларда зухур этмоқда. Айниқса, жойларда саноатни ривожлантириш, бу соҳада тадбиркорлар улушини ошириш, кичик ишлаб чиқаришларни рағбатлантириш аҳоли учун муқим даромадли иш жойларини яратиш суръатини жадаллаштиряпти. Шунинг баробарида ички ва ташқи бозорга импорт ўрнини босувчи, харидоргир маҳсулотлар етказиш қамровини оширмоқда. Хусусан, 2025 йилнинг дастлабки тўрт ойида юртимизда саноат 6,3 фоизга ўсиб, 290 триллион сўмга етган. Экспорт 20 фоизга ортиб, 6 миллиард 350 миллион долларни ташкил этган.

Лекин дунёдаги ҳозирги мураккаб вазият, транспорт-логистикадаги узилишлар шароитида муҳим аҳамиятга эга соҳаларни ҳимоялаш чораларини кўриш айна зарурат бўлиб турибди. Мамлакатимизда бундай соҳаларга тўқимачиликни, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва мебелсозликни киритиш мумкин. Бинобарин, ушбу соҳаларда ҳозирда 1 миллионга яқин аҳоли ишламоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 26 май куни маҳаллий саноатни ривожлантиришга қаратилган ўстувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида шу нуқтаи назардан долзарб масалалар муҳокама қилинди. Туман ва тармоқлар кесимида мавжуд камчиликлар таҳлил этилди.

Биламизки, маҳаллий саноатнинг энг катта тармоқларидан бири – тўқимачилик. Сўнгги йилларда юртимиз тадбиркорлари бу йўналишни яхши ўзлаштирди. Статистикага кўра, айнан тўқимачиликда 7 мингга яқин тадбиркор 500 дан зиёд турдаги маҳсулотларни чиқаряпти. Айримлари нуфузли брендларга кийим-кечак етказиб бермоқда.

Йиғилишда ушбу тармоқда кўпчилик сифатга ишлаётгани билан, натижаси амалда кўринмаётгани танқид қилинди. Айтиб ўтилганидек, ҳозиргача тармоқ корхоналарининг фақат 244 тасида халқаро

қилинадиган бўлди. Хориждан бренд-менежер, дизайнер, маркетинглар жалб этилиб, миллий брендларимизни жаҳон бозорига олиб чиқиш, халқаро сертификати бор, рақобатбардош маҳсулотларга сифат белгиси берилиб, дунёда кенг тарғиб этиш мазкур компаниянинг асосий мақсади этиб белгиланди.

Шунингдек, ҳудудларда миллий маҳсулотлар бир жойда сотиладиган савдо марказларини – “Mall of Uzbekistan” мажмуаларини барпо этиш кўзда тутилмоқда. Бу марказлардаги савдо дўконлари тадбиркорларга минимал нархда ижарага берилиши харидорларга кенг танлов имкониятини, хорижий туристларга ўзинга хос қулайликни тақдим қилади.

Ўзимизда бор хом ашёни чуқур қайта ишлаб, қўшилган қийматни кўпайтириш йўлида тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун факторинг тизими жорий қилиниб, бунга 100 миллион доллар ажратилди. Энди тўқимачилик корхоналари ип-калавани факторинг асосида соддалашган тартибда сотиб олиши мумкин бўлади.

Маҳаллий саноатдаги яна бир истиқболли йўналиш мебелсозлик ҳисобланмоқда. Айниқса, аҳоли турмуш даражаси ва бунга ҳамоҳанг равишда янги қурилаётган уй-жойлар сони ошаётгани фонида мебелсозлик саноати маҳсулотларига талаб юқорилаб бормоқда. Бу талабни қондириш, республика ҳудудларидаги мебель ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, халқаро стандартларга жавоб берадиган ушбу турдаги маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш



мақсадга мувофиқ, албатта.

Ҳозирда ушбу тармоқда 7 ярим мингга корхона ишлаб турибди. Ўтган йилнинг ўзига 920 та янги корхона очилган. Соҳада 6 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 20 миллион долларлик мебель экспорт қилинган.

Йиғилишда юртимиз тадбиркорлари салоҳияти бундан кўпига ҳам қодир экани таъкидланди. Уйида мўъжаз устaxonа очиб, ишлаб чиқаришни йўлга қўйган ва бугунга келиб уни росманасига корхонага айлантириш, бошқача айтганда, хунармандликдан саноатлашган босқичга ўтиш истагида юрганлар бор.

Шунга кўра, энди 5 нафаргача ишчи олганларга якка тадбиркор сифатида мебель ишлаб чиқаришга рухсат берилиши, ушбу фаолиятни бошлаш ва кенгайтириш истагида юрган ёш тадбиркорларга 7 йилга 5 миллиард сўмгача 18 фоизли кредит ажратилиши маълум қилинди.

Мебелчиликка ихтисослашган Шароф Рашидов, Янги Наманган, Пастдарғом, Ўрта Чирчик, Қува, Бувайда, Юнусобод ва Учтепа туманларида Хонқа тажрибаси асосида мебелчилик марказлари ташкил этиладиган бўлди.

Соҳадаги кичик бизнес вакилларига чет элдан материаллар олиб келиши учун кўмаклашиш, транспорт харажатларини енгиллатиб, хом ашёни арзон етказиб бериш мақсадида ёғоч ва ёғоч материаллари марказлашган ҳолда олиб келинади. Бунда монополияга йўл қўйилмаслигига урғу берилди. Аксинча, бозорда танлов имконияти ошиши, тадбиркорлар чўнктаги ва эҳтиёжига қараб, ушбу арзонлаштирилган ёғочдан ёки бошқа

таъминотчидан сотиб олиши ёки чет элдан ўзи келтириши мумкин. Шунингдек, 14 турдаги хом ашё, фурнитура, аксессуар учун 3 йил мuddатга импорт божи 1 фоиз этиб белгиланади.

Экспорт фаолиятини рағбатлантириш мақсадида мебелчиларга халқаро сертификат олиш харажатининг ҳамда хориждан жалб қилган дизайнер, маркетинг, муҳандис-технологлар иш ҳақининг ярми қоплаб берилиши моҳиятан тадбиркор учун жуда катта қўллаб-қувватлашдир.

Неча асрлик анъаналарига эга, миллий хунармандчилигимизда азалдан қадрланган яна бир тармоқ борки, у ҳам юртимиз иқтисодиётида драйвер бўлиши мумкин. Бу заргарликдир. Ўтган йили мазкур тармоқда ишлаб чиқариш 200 миллион доллардан ошган, экспорт 17 фоизга ўсиб, 92 миллион долларга етган. “Лекин бу йилига 100 тоннадан зиёд олтин қазиб олинадиган Ўзбекистондаги имкониятларнинг

ўндан бири ҳам эмас”, дея қайд этилди йиғилишда. Шу боис соҳада қўшимча енгилликлар белгиланди.

Хусусан, заргарлар энди якка тадбиркор сифатида тилла буюмлари савдоси билан шугулланиши мумкин бўлади. Чет элдан мутахассис олиб келиш харажатининг 2,5 минг долларгача қисми камида 5 нафар шогирд чиқариш шарти билан қоплаб берилади.

Бу соҳада саноат усулига ўтиш ва миллий брендларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади. Заргарликда ишлатиладиган ускуналар ва уларнинг бўтловчи қисмлари импорт божидан озод қилинади. Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатларидан олтинни бўлиб тўлаш асосида сотиб олиш тартиби яна 3 йилга узайтирилади. Нуфузли брендлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, уларнинг дизайни ва қолипни олиб келиш харажатининг 30 минг долларгача қисми қоплаб берилади.

Туркия, Дубай ва Миср тажрибаси асосида Тошкент, Андижон ва Хивада заргарлик марказлари очилди. Энди бундай мажмуалар бошқа ҳудудларимизда ҳам босқичма-босқич ташкил этилади. Заргарларни хом ашё билан барқарор таъминлаш учун бу йил биржага чиқариладиган олтин ҳажми 6 тоннадан 8 тоннага оширилади. Барча ҳудудларда олтин захираси яратилади.

Бунга жавобан, тармоқда “яширин иқтисодиёт” улушини қисқартириш, қонуний фаолиятга рағбат чораларини қўллаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоғидаги бугунги ҳолат ҳам тилга олинди. 10 мингга

яқин корхона фаолият юритаётган айни тармоқда сифат ва харидоргирликни таъминлаш, мамлакатимиз бўйлаб қизғин олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида маҳаллий материаллардан кенгроқ фойдаланиш, девелоперларга айланма маблағ учун кредит ажратиш орқали буни қўллаб-қувватлаш зарурлиги айтиб ўтилди.

“Шаффоф қурилиш” платформасида қурилиш материаллари корхоналари реестрини ташкил қилиб, у орқали сифат рейтингини юритиш вазифаси қўйилди.

Маҳсулотлар таннархини тушириш, бунинг учун энергия ва ресурс сарфи юқори йўналишлар таҳлилини юритиб, тежамкор инновацион ечимларни қўллаш масаласига ҳам диққат қаратилади. Мутасаддилар ва тадбиркорларнинг таклифлари тингланди.

**Имомназар ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:**

–Жаҳон савдо майдонида ҳозирда ҳукм сўраётган, оқибатларини олдиндан айтиш мушкул бўлган таҳликали вазият қатор давлатлар олдига кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда. Дунё бўйлаб таъминот ва қиймат яратиш занжирларида узилишлар пайдо бўлиш хавфи тезкор ҳамда оқилона иқтисодий ечимларни тақозо этаётир. Мутахассислар тўқимачилик, электр техникаси, автомобилсозлик, озиқ-овқат саноати каби етакчи тармоқлар ривожига хатар остида қолишини прогноз қилмоқдалар.

Мана шундай иқтисодий қалтис шароитда юртимизда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорларнинг эркин фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш учун тизимли ёндашувлар асосида аниқ чора-тадбирлар қурилаётгани эътирофга молик. Айниқса, 10 миллиондан ошик аҳоли бандлиги таъминланган кичик ва ўрта бизнес субъектларига ҳар томонлама суянч бўлишга ҳаракат қилинаётганини мамнуният билан таъкидлашни истардик.

Ўтган ҳафтада давлат раҳбари раислигида маҳаллий саноатдаги муаммолар ва имкониятларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу бўйича янада янги, ҳаётий таклиф-вазифалар илгари сурилди.

Йиғилишда маҳаллий корхоналаримизга кенг йўл очиб, ишлаб чиқаришни кўпайтириш, бозорларга талабгир маҳсулотлар билан кириши учун шароит яратиш зарурати яна бир бор эслатилди.

Жумладан, шу йилнинг тўрт ойида саноатда сезиларли ўсish қузатишган бўлса-да, 29 та туман ишлаб чиқаришни 4,5 триллион сўмга қисқартиргани танқид қилинди. Мисол учун, Пайариқ ва Пахтачи туманларидаги пасайишлар 210 миллиард сўмлик йўқотишга олиб келган. Тошкентдаги Сергели ва Яшнобод саноат зоналаридаги пасайиш эса шаҳар бўйича 1,1 фоизлик саноат ўсишини бой берган.

Йил бошидан буён мамлакатнинг экспорт ҳажми асосан кимё, озиқ-овқат, IT ва туризм хизматлари ҳисобига ошган. Лекин тўқимачиликда экспорт кўрсаткичлари ўтган йилга нисбатан 175 млн долларга камайган. Президент бу борадаги муаммога тўхталар экан, маҳсулотларимиз сифатли бўлгани билан халқаро бозорда буни исботлайдиган сертификатлар йўқлиги боис улар жуда арзон баҳоланаётганини таъкидлади. Ахир, 1 ярим мингдан ортиқ йирик ва ўрта тўқимачилик корхоналаридан атиги 244 тасида халқаро сертификат борлиги жиддий муаммо.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё ва Хоразм вилоятларида камида 20 тадан, қолган ҳудудларда эса 10 тадан корхонани халқаро сертификат билан таъминлаш вазифаси юклатилди.

Саноат, экспорт ва тушум масалаларида “республика – тармоқ – вилоят – туман” вертикал тизими бўйича масъуллар белгиланиб, қайси бўғинда муаммо ҳал этилмаса, шу тизимдаги раҳбарлар жавобгарликка тортиладиган бўлди.

Бундай янги ва қайсидир маънода кескин ёндашув замирида бир мақсад турибди: глобал иқтисодий тебранишлар шароитида мамлакатнинг иқтисодий барқарор тараққиётини таъминлаш. Иқтисодий барқарорлик эса, табиийки, ижтимоий ҳаётимизнинг яхшиланишига, халқимиз турмуш фаровонлиги ошишига хизмат қилади.

**Фарида МАҲКАМОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини кузатиб бораётганлар кейинги пайтларда бир тенденцияга гувоҳ бўлишди. Яъни, кетма-кет бир нечта йиғилишда сиёсий партиялар фракциялари ўртасида қайсидир қонун лойиҳалари ўстида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Манфаатлар кесишди, сиёсий позициялар аниқ кўрсатилди. Воқеаларнинг узвий давоми сифатида ЎзЛиДеП ва “Миллий тикланиш” фракциялари “Тараққиёт блоки”, деб номланган янги сиёсий блок ташкил этди, бунга жавобан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзини парламентдаги муҳолифат фракцияси, деб эълон қилди. Ушбу тенденция юртдошларимиз орасида кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Натижада қуйи палата фаолиятига қизиқиш янада ортиб кетди.

МУКАММАЛЛИК — МУҲОКАМАЛАР НАТИЖАСИ

Кеча бўлиб ўтган Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида ҳам қизғин бахсларга сабаб бўлган бир қатор қонун лойиҳалари депутатлар муҳокамасидан ўтди.

Кун тартибида биринчи бўлиб, низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини ривожлантиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасида медиация тартиб-таомилларини қўллаш учун рағбатлантирувчи нормалар, медиаторларга оид талаблар ва медиатив келишувларни ижро этиш қоидалари низоларни муқобил ҳал этиш механизмларидан бири сифатида белгиланмоқда.

Медиация – келиб чиққан низоли тарофларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмағида ҳал қилиш усули бўлиб, низоли судгача ва суд жараёнида ҳал этишга қаратилган институт ҳисобланади.

Кейинги йилларда жисмоний ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда, уларнинг муаммоларини ҳал этишда жаҳоннинг ривожланган давлатларида юқори самара бераётган низоларни судгача ҳал қилишнинг замонавий йўналишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лойиҳани депутатларга ўқиб эшиттирган масъул қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатларнинг таклиф ва тавсиялари асосида ундаги нормалар маромига етказилганини айтиб ўтди.

Лекин муҳокаманинг савол-жавоб қисмига етиб келганда аниқ бўлдики, ҳали депутатларнинг иноватга олинмаган таклифлари етарлича экан.

Қизгин давом этган мажлисда депутатлар томонидан лойиҳага эътирозлар ҳам, таклифлар ҳам керагича билдирилди. Ундаги баъзи моддаларни қайта ишлаш керак, деган хулосага келиниб, қонун лойиҳаси масъул кўмитага қайтарилди.

Шу кунли мажлисда “Давлат мулкани хусусийлаштириш соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонуни ҳамда Ер ва Солиқ кодексларига давлат мулкани хусусийлаштириш ва ижарага беришни соддалаштириш мақсадида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда жозибадор инвестиция муҳитини яратишга, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юқининг камайишига, давлат мулкани хусусийлаштириш соҳасини такомиллаштириш, соҳадаги ваколатли органларининг ваколатларини белгилаш, давлат мулки ва ер участкаларини хусусийлаштириш ҳамда ижарага бериш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтиришга хизмат қилади, деган фикрни билдириб лойиҳани биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватлашди.

Мажлисда иш вақтидан ташқари иш учун ҳақ тўлаш ва унинг давомиёлигини соддалаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда муҳокамадан ўтди.

Лойиҳада иш вақтидан ташқари ишнинг бир кунда биринчи икки соати учун камида бир ярим ҳисса миқдорида, икки соатдан ортиқ қисми учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўлаши назарда тутилмоқда.

Амалдаги қонунчилигимизда иш вақтидан ташқари ишлаш вақти йиллик 120 соатдан ошмаслиги кераклиги белгиланган. Мазкур қонун айни ушбу чекловни олиб ташлашни ҳам назарда тутмоқда.

Дарҳақиқат, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари

кафолатлари таъминланишига, ташкилотларда иш унумдорлигини ошириш ва ходимларнинг даромадлари кўпайишига хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси душанба кунли сиёсий партияларнинг фракция йиғилишларида ҳам муҳокама қилинган эди. Жумладан, Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида қонун лойиҳасида белгиланаётган иш вақтидан ташқари ишнинг бир кунлидаги биринчи икки соати учун камида бир ярим ҳисса миқдорни депутатлар икки ҳиссага ўзгартиришни таклиф қилишган эди. Лекин мажлисда ўша 1,5 ҳисса ўзгаришсиз муҳокамага қўйилди. Натижа овоз беришда ўз аксини топди. Яъни, 29 нафар депутат қонун лойиҳасига қарши овоз берди. Бу иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида лойиҳанинг ҳали депутатлар билан муҳокама қилинадиган, ишланадиган жойлари борлигини кўрсатиб берди.

Кун тартибидан миграция жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси муҳокамаси ҳам ўрин олган эди. Мазкур қонун ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миграция агентлиги Ўзбекистон Республикасидан ташқарида иш қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни лицензиялаш, лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш борасида ваколатли орган этиб белгиланмоқда.

Шунингдек, Миграция агентлигига хусусий бандлик агентликлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун маъмурий таъсир чораларини қўллаш ваколати берилмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни иш берувчидан ёки буюртмачидан ундириш тартиби бекор қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишни қидираётган шахслардан Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги ишга жойлаштириш бўйича хизматлар учун ҳақ ундириш бўйича таққик олиб ташланмоқда.

Шу билан бирга, хусусий бандлик агентликларига хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган фуқароларни касб-хунарга ва чет тилларига ўқитиш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда ушбу жараёнга ҳамкор хорижий иш берувчиларни жалб қилиш ҳуқуқини бериш назарда тутилмоқда.

Хусусий бандлик агентликлари томонидан лицензия олиш учун захира қилиниши лозим бўлган маблағлар миқдорини камайитириш таклиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш истагида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, миграция соҳасида соғлом рақобат муҳитини шакллантирган ҳолда мазкур соҳага хусусий секторни янада кенгрок жалб қилишга ҳамда кўрсатиладиган хизматларни рақамлаштиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан мақулланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу галли мажлис ҳам таклиф ва ташбусларга бой, қизғин муҳокамалар остида ўтди. Айни шу муҳокамалар мукаммал қонунларни дунёга келтиради. Бир сўз билан айтганда, Қонунчилик палатасининг фаолиятида ўсиш, яъни, янгича ёндашувлар кўзга ташланмоқда. Тарихдан биламизки, ҳар бир жамяят юқсалиши, янгиланиши ўзини-ўзи ислоҳ қилиши билан амалга ошади. Бизда ҳам айни жараён кечмоқда.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛИГИГА САЙЛАНГАН ЁШЛАР



Бахтинисо
ТУРСУНАЛИЕВА



Алишер
АҲМАДОВ



Икромжон
АШУРАЛИЕВ



Ислом
МАМАДИЕВ



Маржона
ҚИЁМОВА



Сабрина
МАХАМБАТҚУЛОВА



Шохрухбек
ЎКТАМОВ



Абдулазизбек
ЎТКИРОВ



Нодирабегим
РАХМОНОВА



Шоҳида
ШОВҚИЕВА



Дилфуза
ТУРҒУНОВА



Хусайн
ТУРСУНБОВ



Ханна
УТЕМУРАТОВА



Шахзодбек
ЕТМИШБОВ



Абдумўмин
АБДУМАНОВ



Жасур
БОЗОРОВ



Мухлиса
ҒАНИЕВА



Диёрахон
ТАШМУРАТОВА



Гавҳар
КАРШИЕВА



Раҳмонжон
КИМСАНБОВ



Саттор РАХМАТОВ, Олий Мажлиснинг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) Котибияти сектор мудири.

Бола – оила қувончи, ҳаёт давомчиси. Беғубор нигоҳларида самимий ва қувонч балқиб турадиган фарзандларимиз ҳар биримиз учун бебаҳо бойлик. Худди шундай, ўсиб келаётган авлод ҳар бир давлат ва жамият учун стратегик ресурс ҳисобланади. 1950 йилдан буён 1 июнь Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида бутун дунёда Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни сифатида нишонланиб келиниши замирида ҳам келажагимиз ворисларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилиш ҳамда бунга жаҳон ҳамжамияти диққатини қаратиш мақсади муқассамдир.

Мамлакатимизда ҳам бола ҳуқуқларини таъминлаш давлат сиёсатининг муҳим стратегик йўналиши сифатида белгиланди, миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ 40 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

“Инсон кадрى учун” ғояси негизда олиб борилаётган ислохотлар доирасида янги таҳрирдаги Конституциямизга боланинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш кафолатларини кучайтиришга қаратилган янги илғор нормалар киритилди. Жумладан, мамлакат аҳолисининг 35 фоизи (13 миллионга яқин)ни болалар ташкил этиши ҳисобга олиниб, Бош қомусимизда боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш бўйича кафолатлар кучайтирилди, бу борада давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари кенгайтирилди.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро ҳуқуқий нормаларнинг устуворлигини тан олган ҳолда, бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида миллий қонунчиликни халқаро стандартларга уйғун равишда шакллантириб бормоқда. Бу соҳадаги барча қонунчилик ҳужжатлари “Боланинг энг устун манфаатлари” тамойилини ҳаётга татбиқ этишга қаратилмоқда. Бола ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни тубдан такомиллаштириш барқарор ва изчил давом эттириляпти.

Мисол учун, шу йилнинг 15 май кўни Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни зўравонликнинг барча шаклларидан ҳимоя

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ – КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

қилиш тўғрисида”ги Қонуни қучга кирди. Мазкур ҳужжат ҳар бир бола учун хавфсиз ва қўллаб-қуватловчи муҳитни яратишга қаратилган бўлиб, унда ҳар қандай зўравонликларнинг олдини олиш ҳамда ҳимоя механизмларини кучайтириш чора-тадбирлари янгидан белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил институтининг жорий этилиши ёш авлод манфаатларини кафолатлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Унинг бирламчи вазифаси – бола манфаатларига оид қонунларга риоя этилиши устидан самарали ва таъсирчан парламент назоратини олиб бориш бўлгани сабабли ушбу фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш, хусусан, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил вазифалари ва ваколатларини кенгайтириш зарурати юзага келди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли 2024 йил 29 февралда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонунга мувофиқ, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий институти сифатида Бола ҳуқуқлари бўйича вакил давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан парламент назоратини амалга оширади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шаклларини ва воситаларини тўлдиради, ўз фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилигини такомиллаштиришга ва уни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашади, фуқароларнинг бола ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини оширишда иштирок этади.

Айтиш керакки, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил ўз ваколатлари доирасида давлат ҳокимиятининг барча бўғинида - парламентда, ижро органларида ва судларда бола ҳуқуқларини махсус ҳимоя қилади ҳамда давлат органлари эътиборини айнан бола манфаати устунлигига қаратади. Яъни, давлат сиёсатининг бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида бевосита ва фаол иштирок этади.

Бола ҳуқуқлари устуворлигини таъминлаш жараёнини ўрганишнинг асосий шаклларидан бири – бу фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш саналади. Хусусан, Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва бузилган ҳуқуқларни тиклашга доир фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани) тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Қонунчиликка кўра, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил болаларнинг шикоятларини кўриб чиқиши шартлиги, бола тўлиқ

1 ИЮНЬ – ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КЎНИ



муомала лаёқатига эга бўлмагани сабабли унинг шикоятини кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Шу боис, вояга етмаган шахсларнинг мурожаатлари алоҳида назоратга олинган ҳолда кўриб чиқилади.

Ўз навбатида, мурожаатларни кўриб чиқиш ва мониторинг фаолияти давомида бола ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган давлат органлари ва ташкилотларига тегишли таъсир ҳужжатлари, яъни, тақдимнома, огоҳлантириш, хулоса ва суд ҳужжати устидан протест келтириш тўғрисида илтимосномалар киритиб борилади.

Давлат органлари ва ташкилотлар фаолиятида бола ҳуқуқлари таъминланиши ҳолати мониторинги – Болалар омбудсманининг таянч йўналишларидан бири. Жумладан, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ўз ихтиёри билан чиқиб кета олмайдиган таълим, тарбия, тиббийё муассасаларига, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига, тергов ҳибсхоналарига ва тарбия колонияларига мунтазам кириб туриш орқали болага нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича чоралар кўради.

Бунда муассасалардаги болаларнинг яшаш ва овқатланиш, улар билан муомалада бўлиш шарт-шароитлари ўрганилиб борилади. Болалар билан яқка учрашувлар ва суҳбатлар ўтказилади.

Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан бола ҳуқуқларини ўрганиш мақсадида республикада мавжуд болалар муассасаларида ўтказилган мониторингларда жамоат ташкилотлари, ННТ вакиллари иштироки ҳам йўлга қўйилиб, уларнинг фикр ва тақлифлари инобатга олинган тарзда тегишли органларга хулоса-тавсиялар киритиб келинмоқда.

Шу билан бирга, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил томонидан боланинг қонуний манфаатлари бузилишига оид ҳолатларни аниқлаш ва ўрганиш мақсадида

интернет тармоғида, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда доимий равишда мониторинг юритилмоқда. Мониторинг давомида аниқланган ҳар бир ноқонуний ҳолат мутасадди давлат органлари билан ҳамкорликда текширилаётди.

Ҳеч бир истисносиз, Бола ҳуқуқлари бўйича вакил бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш соҳасида масъул бўлган барча давлат органлари билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Хусусан, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳолатларини ўз ташаббусига кўра текшириш билан боғлиқ материалларни умумлаштириш асосида давлат идораларига махсус маърузалар, таҳлилий ахборотлар киритиб боради.

Айтиш керакки, сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган аниқ манзилли чоралар натижасида давлат органлари фаолиятида боланинг энг устун манфаатларини таъминлаш соҳасида салмоқли ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Хусусан, болаларни жойлаштиришнинг оилавий ҳамда бошқа муқобил шаклларини амалиётга татбиқ этиш орқали институционал тарбия муассасаларида тарбияланаётган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар сони сезиларли равишда қисқарди, уни зўравонликдан ҳимоя қилиш бўйича тизимли чора-тадбирлар белгиланди, инклюзив таълим имкониятлари кенгайтирилди.

Жамиятда боланинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш ҳамда бола манфаатлари бузилишига мурасасизлик тафаккурини шакллантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари аҳоли ўртасида кенг ва изчил йўлга қўйилляпти.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда бола ҳуқуқлари доимо эътибор марказида бўлиб келмоқда. Зеро, болалар эртанимиз эгалари, уларни баркамол инсон этиб тарбиялаш бахтли ва фаровон келажагимиз кафолатидир.

ПАРТИЯ ТАШАББУСИ

Жамоат транспорти одамларнинг мушқулини осон, узогини яқин қиладиган восита. Мамлакатимизда сўнгги йилларда транспорт хизматлари қўламини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш бўйича катта ислохотлар олиб борилмоқда.

Урбанизация жараёнлари жадаллашуви, шаҳарларнинг кенгайиши ва аҳоли сонининг ўсиши натижасида жамоат транспортига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Ўзбекистонда кўнига бир неча миллионлаб киши жамоат транспортларидан фойдаланади. Шу маънода унинг қулай, хавфсиз ва осон бўлиши жуда муҳим. Мамлакатимиз транспорт тизими ва инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар эътиборга молик, албатта.

ЎзХДП Марказий Кенгашининг 2025 йилга мўлжалланган иш режасига кўра, ҳудудларда аҳолининг имтиёзга эга бўлган қатлами томонидан жамоат транспортдан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш бўйича жамоатчилик мониторингини ўтказиш ва жамоатчилик сўрови юбориш режалаштирилган эди.

Шунга мувофиқ, халқ депутатлари Наманган, Қашқадарь ва Хоразм вилоятлари Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари томонидан жамоатчилик назорати олиб борилди ва мониторинг ақуни бўйича жамоатчилик эшитувчи ўтказилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, Транспорт вазирлигининг бир гуруҳ вакиллари иштирокида камчиликлар очиқ-ойдин таҳлил қилинди.

ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ: ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ЙЎЛОВЧИ УЧУН ҚУЛАЙ БЎЛИШИ КЕРАК

Қатнашчилар дастлаб Намангандаги вазиятни кўриб чиқишди. Партиямиз фаолларининг айтишича, жамоат транспорти хизмати сифатини ошириш, уни бугунги давр ва шароитга мослаштириш бўйича ҳудудларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Масалан, жамоат транспортга бўлган талабни қондириш учун кўпроқ янги йўналишлар ишга туширилмоқда. Буларнинг барчаси аҳолининг узогини яқин қилиб, харажати ва вақтини тежашга хизмат қилляпти.

Аммо соҳада ўз ечимини кутаётган ва аҳолини қийнаб келаётган бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳам мавжуд.

Масалан, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 16 февралдаги “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан белгиланган имтиёзли кредитлардан самарали фойдаланилмагани боис ўтган йили вилоятдаги жамоат транспортдан имтиёзли фойдаланувчилар барча қулайликларга эга бўлган замонавий автобус ва микроавтобуслар билан етарли таъминланмаган.

Маълум бўлишича, йўловчи ташувчи корхоналарнинг кредит олишда гаровга қўйиладиган мулкнинг камлиги ҳамда банклар томонидан тавсия этилаётган кредит фойзининг юқорилиги,

кредит муддатининг қисқалиги сабабли автобус ва микроавтобус сотиб олиш учун банк ва йўловчи ташувчи корхона ўртасида шартномалар тузилмапти.

Шунингдек, аҳолининг имтиёзли қатлами учун жамоат транспортини кутиш бекатларида етарли шароитлар мавжуд эмас. Тадбиркорлар томонидан бекатлар ҳудудида ўзбошимчилик билан ноқонуний қурилган қурилишлар йўловчилар, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларга ноқулайликлар туғдирмоқда.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятида маҳаллий Кенгаш депутатлари олис ҳудудлардаги мактабларни автобус билан таъминлаш масаласини ўрганди.

Депутатларнинг айтишича, давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон–2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йиллида амалга оширишга оид давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида 2024 йил 1 сентябрдан бошлаб Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тажриба-синов тариқасида 100 та умумий ўрта таълим мактабларига олис ҳудудлардан қатнайдиغان ўқувчилар учун аутсорсинг асосида бепул автобуслар қатнови йўлга қўйилган, белгиланган.

Ҳозир вилоятда олис ва чекка ҳудудларда жойлашган 50 та умумий ўрта таълим мактаби бор. Назорат-таҳлил давомида

аён бўлдики, бугунги кунгача Миришкор туманида бор-йўғи 3 та (22-23-24-сонли) мактабда олис ҳудудлардан қатнайдиغان ўқувчилар учун аутсорсинг асосида бепул автобуслар қатнови йўлга қўйилган, холос.

Бундан ташқари, Ғузор, Деҳқонобод, Китоб, Кўкдала, Қамаш, Қарши, Чирокчи, Шахрисабз, Яқкабоғ, Косон туманларидаги 47 та мактаб учун аутсорсинг асосида ўқувчиларни ташиш таклифи “Давлат харидлари” электрон (Биржа) савдо платформасига жойлаштирилган.

Шундан сўнг муҳокама марказида Хоразм вилояти бўлди. Маълум бўлишича, вилоятдаги «Бунёд йўловчи ташиш» масъулияти чекланган жамияти 2009 йилда ташкил этилган бўлиб, корхонада жами автобуслар сони 114 тани ташкил этади.

Президентнинг “Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида 2023 йил август ойда Хитойдан 80 та янги замонавий автобус сотиб олиш учун жами қиймати 7 млн 640 минг долларлик шартнома имзоланган. Шартнома қийматининг 85 фоиз қисмига “Миллий банк” томонидан 6,7 фоизли имтиёзли кредит ажратилган бўлиб, унга асосан ўтган йили ноябрь ойда 50 та автобус олиб келинган.

Мониторинг натижасига кўра, тизимда бир қатор муаммо

ва камчиликлар ҳам борлиги аниқланди. Деярли барча туманларда бир хил муаммо кўзга ташланди. Мисол учун, баъзи ҳайдовчилар “АТТО” платформасини ўчириб қўйиб, йўловчилардан нақд пул олиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда.

Шунингдек, 32 та аҳоли пунктига олиб борувчи йўл автобус хизмати билан қамраб олинмаган. Чунки, йўл сифати ҳаракатланиш хавфсизлиги талабларига жавоб бермайд. Тегизи дастурларга киритилган бўлса-да, мазкур йўллارда ҳозирга қадар таъмирлаш ишлари тўлалигича амалга оширилмаган. Аксарият йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг сигими кўплиги сабабли қулайлик ва хавфсизлик талабларига жавоб бермайд.

Жамоатчилик эшитувчи жараёнида жамоат транспорти хизмати сифатини ошириш билан боғлиқ долзарб муаммолар очик-ойдин таҳлил ва танқид қилинди. Партия фаоллари ва мутахассислар савол-жавоблар, тақлифлар орқали юзлашди. Камчиликларни бартараф этиш бўйича келишиб олинди.

Эшитув натижасига кўра, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши томонидан “Аҳолининг имтиёзли қатлами томонидан жамоат транспортдан фойдаланиш ҳолати”ни ўрганиш натижалари бўйича маълум бўлган муаммолар ва камчиликлар юзасидан вилоят Транспорт бошқармаси бошлиғи Б.Бекходжаевга жамоатчилик сўрови юборилди.

Мавжуда ҲАСАНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи.



Жовдатхон ИНОҒОМОВ,
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси
раисининг биринчи ўринбосари.

Президентимиз томонидан “Халқ билан давлат ўртасидаги кўприк”, дея эътироф этилган маҳалланинг сўнгги йилларда ўрни ва ваколати оширилди, соҳа ривожига доир 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Ҳар бир ҳудудда “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилига асосланган янги тизим жорий этилди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташкил қилинди.

Шу билан бирга, фуқаролар йиғинида ўзига хос ноёб тузилма — маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, солиқ ва профилактика инспекторларидан иборат “маҳалла еттилиги” фаолияти йўлга қўйилди. Натижада маҳалла одамлар келиб фикрини, таклифини, дардини айтадиган, муаммосига ечим топадиган масканга айланди.

Келинг, шу ўринда айрим рақамларга тўхталсак. Жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда 1 миллион 652 минг 662 нафар ишсиз шахс даромадли меҳнатга жалб қилинди. Жумладан, 265,9 минг нафари доимий ва мавсумий ишга жойлаштирилди, 1 миллион 311 минг нафари ўзини ўзи банд қилди, 49,9 минг нафар киши тадбиркорликни, 22,2 минг нафари ҳунармандчиликни йўлга қўйди. 3,9 минг нафар фуқарога даромад манбаи — ер ажратилди. Натижада 177 та маҳаллада ишсизлик муаммоси узил-кесил барҳам топди.

Маҳаллада хавфсиз муҳитни яратиш бўйича барча туман ва шаҳарларда жиноятлар сабаблари муҳокама қилиниб, “қизил” тоифадаги 1 350 та маҳаллага 7 637 та камера, кўп квартирали уйларга 8 660 та домофон қурилмаси ўрнатилди. Профилактик ҳисобда турган шахсларга “еттилик” вакиллари, 21 минг 611 нафарига кўчабоши, 13 минг 420 нафарига нурунийлар бириктирилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 6 162 та (65,2 фоиз) маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айланди.

Оилавий ажралишларнинг олдини олиш мақсадида 731 минг 400 дан зиёд аёллар муаммоларининг 713 минг 658 таси ҳал этилди. 249 минг 615 нафар хотин-қизга ёрдам кўрсатилди.

КЕЧАГИ ИШСИЗНИНГ БУГУН ДАРОМАДИ БОР

Бундан тўққиз-ўн йил аввал пойтахтдан юзлаб қақирим узоқликдаги маҳаллаларда кўчалар асфальт бўлади, мактаблар қайта қурилади, қишлоқ болалари ҳам боғчага қатнайди, тоза ичимлик суви келади, деса, ростки, биров ишонмасди. Бугун-чи? Холислик ва виждон юки билан айтганда, обод қишлоқлар-у файзли маҳаллаларга ҳамманинг, ривожланган юрт одамларининг ҳам ҳаваси келади.

Бу жараёнда бунёдкорлик нафаси кириб бормаган маҳалла қолмади, ҳисоб. Айниқса, “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси асосида одамлар ўзлари ташаббус кўрсатиб, ўз ҳудудидаги муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этапти. “Обод хонадон”, “Обод кўча”, “Обод маҳалла” мезонлари, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси йиғинларга кўрк бағишляпти.

Биргина мисол. “Обод хонадон-обод



ОЧИҚ ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

ИЖТИМОЙ ҲАЁТ



кўча-обод маҳалла” мезонлари асосида жорий йилнинг шу даврига қадар 140,3 мингта кўча, 3,5 миллионга яқин хонадон ҳамда 119 минг 901 та кўп қаватли уйлар янги қиёфа касб этди. Хусусан, 463,5 мингта хонадоннинг ташқи девори, 531,1 мингтасининг ошхона ва тандирхонаси таъмирланди, 1,5 миллиондан ортиқ хонадон томорқаси тартибга келтирилди.

“Яшил макон” лойиҳаси доирасида 26 миллион 349 минг түп меваги ва манзарали кўчатлар экилди. Шундан камбағал оилалар хонадонига 2,8 миллион түп, яқка ёлғиз кексалар хонадонига 166,9 минг түп, “еттилик” аъзолари ва кўча (уй) бошилар томонидан 2,3 миллион түп, маҳалла боғларига 1,5 миллион түп ҳамда аҳоли хонадонларига 19,5 миллион түп дарахт ниҳоллари қадалди.

Яна бир самарали тизим – бу маҳаллаларга бевосита тижорат банкларининг бириктирилиши бўлди. Дастлаб бу жараён бандликни таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш борасида синовдан ўтказилди. Натижа кутилганидан-да яхши бўлди, шу боис банкларнинг бевосита маҳаллада туриб фаолият юритувчи вакили — маҳалла банкири лавозими жорий этилди. Эндиликда маҳаллаларни ихтисослаштириш борасида ҳам бу тизимдан фойдаланиляпти.

Жумладан, йил бошидан шу кунга қадар 558 та маҳаллага “Турон банк” томонидан 81 минг 586 түп лимон ҳамда 512 та маҳаллага “Халқ банки” томонидан 1 миллион 902 минг түп узум кўчатлари экилиб, ушбу маҳаллалар узум ва лимончиликка ихтисослаштирилди. Сўрхондарё ва Қашқадарёга 100 минг түпдан хурмо, Самарқандга 60 минг түп хурмо ва 73 мингта анжир кўчатлари етказиб берилди. Шунингдек, камбағал оилалар томорқасига 116 минг 233 түп лимон, кўча бўйларидаги хонадонларга 1 миллион 902 минг түп ҳамда аҳоли томорқалари атрофига 3 миллион 450 минг түп узум кўчатлари экилди.

Маҳалла даражасида томорқадан самарали фойдаланишга эътибор кучайди. Бу жараёнда аҳолига кенг қулайликлар яратилди, хусусан, томорқачига имтиёзли кредит, субсидия, грант ва лизинг бериш амалиётига киришилди. Томорқаси бор, бироқ ундан қандай фойдаланишни билмаётганларга уста деҳқонлар бириктирилди. Ўз навбатида уларни моддий қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланди.

Олиб борилган ишлар натижасида 5 миллион 314 мингта хонадон томорқасида етиштирилладиган мева-сабзавот маҳсулотлари ва экспорти бўйича 8 272 та маҳаллада прогноз шакллантирилди. 20 май ҳолатига кўра, томорқада етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 68,9 миллион долларни ташкил этди. Маҳсулотлар, Қозғоғистон, Ироқ, Қирғизистон, Беларусь, Грузия каби давлатларга экспорт қилинди.

Кўрунадикки, одамларга томорқадан самарали фойдаланиши учун қулай шарт-шароит яратилса, имтиёзлар берилса, қўллаб-қувватлаб турилса, маҳалланинг оддий томорқачиси ҳам халқаро даражада маҳсулотларини экспорт қила олади. Кечаги ишсиз бугун даромад топаётган томорқачига айланади.

МУРОЖААТЛАРНИНГ 83 ФОИЗИ ЖОЙИДА ЕЧИМ ТОПДИ

Бугун аксарият масалалар маҳалланинг ўзида ечим топяпти, дедик. Зотан, ўтган йили аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳаллаларга келган 2,7 миллиондан ортиқ мурожаатнинг 83 фоизи йиғиннинг ўзида ҳал этилган. Бу орқали узок йиллар идорама-идора сарсон бўлиб, ташкилотлар эшигида сарғайган юртдошларимизнинг дарди ариди.

Маҳалла даражасида аҳоли муаммолари билан ишлашда ўзига хос тизим — “Рақамли маҳалла” платформаси ишга туширилди. У орқали ҳар қандай масалани тезкорликда аниқлаш, ечимни бўйича тегишли ташкилотларни сафарбар этиш, назоратини қилиб бориш имконияти яратилди.

Мазкур платформада иккита муҳим тизим шакллантирилди. Хусусан, маҳалла

ходимлари уйма-уй юриб, фуқаролар билан мулоқот қилиб, уларнинг муаммоларини “Ягона саволнома” модули орқали тегишли давлат органларига йўналтиради. 2025 йилда 938 минг 66 нафар фуқаро билан мулоқот ўтказилди, аниқланган 46 минг 944 та муаммодан 20 минг 59 таси “еттилик” томонидан ҳал этилди, 26 минг 885 таси давлат органларига юборилди.

1 июндан аҳоли муаммоларини “хонадонбай” ўрганиш ва ҳал этиш тизими түлик рақамлаштирилади. “Еттилик” томонидан аҳоли хонадонидан туриб вазирилик ва идораларга мурожаат юбориш, ижросини назорат қилиш бўйича



“Рақамли маҳалла” мобиль иловаси ишга туширилади.

“Ижтимоий реестр” модули орқали камбағал оилаларга кўмак кўрсатиш бўйича “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 570 минг 533 та оиланинг 310 минг 553 нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари билан маҳалла раиси ўртасида ижтимоий шартнома имзоланди. Жорий йил 10 июнга қадар “Камбағал оилалар реестри”га киритилган 259 минг 980 та оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзолари билан яна шундай шартнома тузилади.

Бу жараёнда хизмат кўрсатувчи ҳам, ёрдам олувчи ҳам ўзига мажбурият олади. Энди нафақа олувчилар рўйхатига, биринчи навбатда, ногиронлиги бор, ота-онаси йўқ, боқувчисини йўқотган, касаллиги ва бошқа сабабга кўра узок муддат ишлай олмайдиганларнинг оилалари киритилмоқда.

Келгуси уч йилда камбағаллик даражасини 11 фоиздан 7 фоизга қисқартириш мақсад қилинган. Шу боис тахлиллардан келиб чиқиб, камбағалликни аниқлаш мезонлари ва манзилли рўйхати шакллантирилди. Жумладан, унга “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”даги ҳамда камбағалликка тушиш хавфи юқори бўлганлар киритилди. Камбағаллик омилларини ўрганиш учун ижтимоий ҳимоя ва бандлик масалаларида ягона саволнома ишлаб чиқилди. Шу асосда оилаларнинг имкониятлари баҳоланиб, 3 та тоифага ажратилди. Ҳар бир оилага индивидуал ёндашилиб, “оёққа туриши”га кўмаклашилмоқда. Шу тахлит камбағаллик даражаси юқори бўлган маҳаллалар рўйхати ҳам тузилди. Ҳар йили 50 та маҳалла танлаб олиниб, улар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириб бориляпти.

6 МИНГ 590 ТА МАҲАЛЛАДА ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Айни дамда маҳаллаларда муҳим сиёсий жараён — фуқаролар йиғинлари раислари сайлови ўтказилляпти. Сайловда аҳоли вакиллари фаол қатнашляпти, ўзлари ишонч билдирган номзодга овоз берляпти.

Сайловлар “Фуқаролар йиғини раиси сайлови тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ янгича демократик тамойиллар асосида, очиклик ва ошкораликда, фуқароларнинг хоҳиш ва иродасини эркин ифода этиш

тамомийлларига хос тарзда ўтказилляпти.

Қонунга кўра, маҳалла раисларининг ваколат муддати амалдаги 3 йилдан 5 йилга узайтирилди. Очиғи, “маҳалла еттилиги”нинг умумий раҳбари сифатида раисларнинг масъулияти оширилаётган бир вақтда уларнинг ваколати муддатининг қисқалиғи, ўз билим ва тажрибасини амалиётда қўллаши, белгиллаган режаларни тўла ва сифатли амалга ошириши учун етарли эмаслиғи сезилаётган эди.

Қолаверса, маҳалла раислари сайловини ўтказиш муддатларини белгилаш эндиликда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари ваколатига ўтказилган бўлиб, ушбу ўзгартириш маҳаллаларнинг вакиллик органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйишига ёрдам беради. Фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи республика комиссиясини тузиш амалиётига барҳам берилди. Шунингдек, вилоят даражасидаги ҳамда туман даражасидаги фуқаролар йиғинлари раислари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларнинг ваколатлари алоҳида-алоҳида белгиланиб, вазибаларининг чегаралари аниқлаштирилди.

Ушбу муҳим сиёсий тадбир муносабати билан юртимиздаги 9 452 та маҳаллада сайловларни юқори савияда ташкил этиш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилди. Жорий йилнинг 1-25 май кунлари ҳолатига кўра, республиканинг 208 та туман ва шаҳридаги 6 590 та маҳаллада сайловлар бўлиб ўтди. Уларда 1 миллион 478 минг 219 нафар фуқаро иштирок этди.

Шу кунгача ўтказилган сайловларда қатнашган 17 минг 873 нафар номзод “Инсон қадрини ўрнини” тамойилига йўғрилган кенг қамровли ислохотларни маҳаллагача тушириб, уни амалга ошириш мақсадида ўзларининг устувор дастурларини аҳолига тақдирот қилишди. Сайлов жараёнлари очиклик, ошкоралик тамойиллари риюя этган ҳолда ўтказилиб, овозларни аниқлаш сайловчилар кўз ўнгига сайлов қутисини очиб бюллетенларни санаш, энг кўп овоз олган номзодларни эълон қилиш орқали амалга оширилди.

Ҳисобот даврида номзодларнинг 6 минг 590 нафари маҳалла раиси этиб сайланди. Жумладан, сайланган раисларнинг 876 нафарини (13,3 фоиз) аёллар, 261 нафарини (4 фоиз) туман (шаҳар) Кенгашлари депутатлари ташкил этади. Ёш тоифаси бўйича 51 нафари — 30 ёшгача, 1 134 нафари — 31-40 ёшгача, 2 134 нафари — 41-50 ёшгача, 2 464 нафари — 51-60 ёшгача, 807 нафари — 60 ёшдан ошган. Мутахассислиғига кўра, 1 минг 852 нафари ўқитувчи, 1 минг 197 нафари иктисодчи, 918 нафари муҳандис, 42 нафари шифокор, 249 нафари ҳуқуқшунос, 329 нафари агроном, 82 нафари қурувчи, 1 минг 921 нафари бошқа соҳа вакиллари саналади.

Давлатимиз раҳбари юртимизнинг қайси ҳудудига ташриф буюрмасин, албатта, ўша ердаги маҳаллаларга боради, аҳоли билан мулоқот қилади, уларнинг фикр-ўйлари, келгуси мақсадлари билан қизиқади, қандай мавзуда йиғилиш ўтказмасин, маҳаллаларга янада кенг қулайликлар яратишга қаратилган ташаббусларни илгари суради. Мақсад аниқ: одамлар давлатнинг кўмағи, қўллаб-қувватлашини маҳалласида, кўчасида, хонадонида ҳис қилиб яшасин!

Маҳалла тизимига доир яқин ўн йилликда амалга оширилган ислохотларга назар ташласак, бунинг амалий ифодасини ҳар бир йиғин мисолида кўришимиз мумкин. Маҳаллаларимизда файз-у барокат, одамларимизда некбин кайфият, оилаларимизда фаровонлик, ёшларимизда эса эртанги кунга ишонч ҳиссини мустаҳкамлаш мақсадларимизнинг туб негизидир. Зотан, маҳалла, Президент таъбири билан айтганда, биз барпо этаётган янги жамият — инсон қадрини улуғладиган, ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланган, қонун устуворлиғи мустаҳкам қарор топадиган очик ва адолатли фуқаролик жамиятининг асосидир.

Академик Саид Шермухамедов
таваллудинини 95 йиллигига

Миллати қалбини намоён этган инсон

Улуғ шоир ва файласуф Мирзо Абдулқодир Бедил инсон умрини киприкка илиниб турган ёшга ўхшатган эди. Дарҳақиқат, инсон умри бу абадий ҳаёт олдида киприкдаги ёш сингари бир қалқишдаги лаҳзага тенг. Бироқ, инсоннинг табиий ва илоҳий томондан берилган катта бунёдкорлик салоҳияти, ақлий имконияти, интеллектуал қобилияти унинг абадиятга дахлдор кашфиётлар қилишига шароит яратади. Зотан, инсон бошқа жонзотлардан ани қалб ва руҳият олами, яратувчилик истеъдоди, чексиз ҳиссиёт ва туйғулар олами эканлиги билан устун туради. Уни қадриятга айлантирадиган буюк қудрат ҳам ана шунда.

Инсон имконияти, одам ва олам, вақт ва фазо, замон ва макон ҳақида гап борар экан, сиёсат, фан ва маданият арбоби, академик Саид Шермухамедов кўз олдимга келади. Устозни мен ёшлари улғайган пайтларда танидим. Ҳаётий тажриба, улкан илмий салоҳият, катта ташкилотчилик қобилияти, дадиллик ва ўқтамлик, қатъиятлиликл ва жавобгарлик фазилатлари мўътабар ёшда ҳам кўзга ўта аниқ ва ёрқин ташланар эди. Ҳаёт, инсон, унинг моҳияти, бахт-саодати, эрки ва кадр-қиммати ҳақидаги бетакрор қарашлари диққатимни тортарди. Миллат, халқ истиқболини ўйлаш, ўзгараётган замонда миллий ўзликини асраш билан боғлиқ бўлган ғоят залворли ғояларни илгари сураб эдилар.

Саид ака тимсолида мен даврни бутун моҳияти билан чуқур англаш, бутунлай янги тарихий шароитларда янги давлатчиликка асос солиш, жамиятни тубдан модернизация қилиш жараёнида ўзига нисбатан танқидий ёндашиш, илмий фаолиятга реал баҳо бера олиш каби ғоятда ноёб иродани, юксак маънавий қудратни кўрдим. Буни устознинг битта гаплари билан исбот қилишим мумкин: мустақилликнинг дастлабки йилларида марксча-ленинча таълимотдан воз кечиш, коммунистик мафкура ўрнида миллий қадриятларга асосланган, миллат қалби ва онгини тубдан ўзгартирадиган ғояга зарурат сезилаётган бир паллада Ўзбекистон Фанлар академиясидаги катта йиғилишда дабдурустан “Мен бир ҳақиқатни англадим. Ҳозиргача ёзганларимизни литература, деб юрган эканмиз. Энди билсам, у мақалатура экан. Биз ижтимоий фанлар вакиллари ўзимизнинг илмий фаолиятимизга танқидий ёндашиб, бор билим ва тажрибамизни бутунлай янги - миллий истиқлол ғояси асосида қайта қўриб

чиқишимиз, бутун назарий-фундаментал билимларимизни миллий мустақиллик ғояларига сафарбар этмоғимиз лозим. Миллатни уйғотувчи, уни ялпи сафарбарликка даъват этувчи, фуқароларни умуммиллий манфаатлар атрофида бирлаштирадиган, миллий қадриятларимиз ва бой тарихий тажрибаларимизга асосланган мафкура керак. Уни биз – ижтимоий фанлар вакиллари яратамиз. Ҳозиргача қилган ишларимиз ўз қийматини йўқотди,”- деди.

Зал сукунатга қўқди. Устознинг ҳар бир сўзи эса момоқалдиқдек гўмбурлар эди. Бу ҳақиқий ватанпарварликни, миллатпарварликни, катта мардлик ва илмий жасоратни тақозо қиладиган гап эди. Саид

**САИД АКА ТИМСОЛИДА
МЕН ДАВРНИ
БУТУН МОҲИАТИ
БИЛАН ЧУҚУР
АНГЛАШ, БУТУНЛАЙ
ЯНГИ ТАРИХИЙ
ШАРОИТЛАРДА ЯНГИ
ДАВЛАТЧИЛИККА
АСОС СОЛИШ,
ЖАМИЯТНИ ТУБДАН
МОДЕРНИЗАЦИЯ
ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА
ЎЗИГА НИСБАТАН
ТАНҚИДИЙ ЁНДАШИШ,
ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИГА
РЕАЛ БАҲО БЕРА ОЛИШ
КАБИ ҒОЯТДА НОЁБ
ИРОДАНИ, ЮКСАК
МАЪНАВИЙ ҚУДРАТНИ
КЎРДИМ.**

ака худди ана шу чиқиши билан бутун ижтимоий фанларни илдизи билан янгилаш зарурлигини илмий муаммо сифатида ҳозиржавоблик билан долзарб масалага айлантириб қўйган эди.

Шуниси диққатга сазоворки, Саид ака жуда тез фурсатда миллий истиқлол ғояси, миллий қадриятлар, мустақилликнинг қадриятий жиҳатларига доир кетма-кет рисоалар ёзиб нашр эттирдилар. Жўмладан, “Биз қандай жамият қурмоқдамиз?” сингари долзарб, давр моҳиятини ўзида мужассам этган тадқиқот ишлари юзга келди.

Саид Шермухамедовнинг илмий ва жамоатчилик фаолияти барчамиз учун ибратли. У 35 ёшида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг Маданият бўлимида мудири бўлиб ишлаган. Хусусан, Шароф Рашидовдай ўта нозиктаб раҳбар билан ишлаш кишига ўзига хос масъулият юклайди.

Устоз Саид Шермухамедов улкан мактаб кўрган олимдир. Иброҳим Мўминовдай буюк файласуфнинг ёнида юриш, унинг сабоғини олиш каби имконият Саид акага насиб этди. Фаннинг тафаккур билан боғлиқ бўлган мураккаб оламга ана шундай донишманд ҳомийлигида кириб келди. У кишининг ўғитларини ўзлаштирди. Албатта, бу олим сифатида шаклланиш учун жуда катта имконият эди. Устоз бу имкониятдан тўла-тўқис фойдалана билди. Ўзини “Мўминов мактаби”да шакллантирди, ривожлантирди, етук ва забардаст олим даражасида намоён қила олди.

Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам борки, бу энди фақат илмнинг ўзигагина боғлиқ эмас эди. Бу бевосита улкан мафкуравий идоранинг масъул раҳбари сифатида илм билан бирга жуда катта дипломатияни, муомала маданиятини, вазиятга қараб иш тутта олиш сиёсатини, воқеалар ва жараёнлар оқими олдидан пайқаш, бошқалардан кўра унинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш ва оқибатини прогностлаш сингари ўта нозик ва ноёб, қалб билан, туйғу билан, интуиция билан боғлиқ бўлган имкониятни ҳам тақозо этарди. Саид ака ана шу мафкуравий бўҳронлар оқимида узок йил ишлади, фаолият кўрсатди. Бу устоздан алоҳида фидойиликни, халқпарварликни, миллатпарварликни тақозо этардики, айна ана шу фазилатлар билан мавжуд мафкурани уйғунлаштириб олиб бориш учун инсонда жуда катта маънавий қудрат, ички маданият, қатъий ирода ва синмас руҳ керак эди. Саид ака феноменида ана шу фазилатларнинг барчаси етук даражада мужассамлашган.

Буни нималарда кўришимиз

мумкин?

Биринчидан, “Шаклан миллий, мазмунан социалистик маданият” ғояси ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда маданият фалсафаси йўналишида катта тадқиқот ишларини олиб бориш ва шу аснода миллий маданиятни ўрганиш орқали уни асрашгина эмас, куннинг долзарб муаммосига айлантириш, такомиллаштириш, ривожлантириш, амалий жиҳатдан эса ҳаётга татбиқ этиш чораларининг кўрилиши, назария ва амалиётнинг синтезлашган механизминини яратиш, уни самарали бошқариш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермас эди.

Иккинчидан, миллий маданиятни замонавий қарашлар асосида унинг туб моҳиятини ўрганиш, ўзбек миллий фалсафасининг улкан тармоғига айлантириш, миллий маданият мактабини яратиш ва бу мактабни шакллантирадиган, ривожлантирадиган, истиқболли таъминлайдиган муҳитни ташкил этиб, замонавий олим ва мутахассисларни етиштириш ўша давр мафкуравий воқелиги шароитида осон масала эмас эди. Чунки, бунда фан этнография, демография, тарих, ахлоқ, психология, маънавий асослари, фалсафа, мантиқ, адабиёт, санъат, тил ва бошқа соҳаларни қамраб олган яхлит маданият тушунчаси бевосита ўзбек тушунчаси билан боғланиб кетади. Натижада маданият фалсафаси миллий фалсафанинг муҳим тармоғига айландики, булар “ягона совет халқини шакллантириш” тенденцияси хуруж қилиб турган, миллий маданиятлар поймол этилаётган, миллий анъаналар, турмуш тарзи камситилаётган бир пайтда миллатнинг халоскори, химоячиси, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи воситаси бўлиб ўзини намоён этди. Бу академик Саид Шермухамедовнинг ўзбек миллий фалсафасидаги яхлит, бир бутун илмий концепцияси эди.

Устоз феноменида яна бир ҳолатни кўраман. Саид ака учун шоғирд ёшидан қатъи назар толиб, бир умр шоғирдлигича қолаверади. Бу табиий ҳол. Айна пайтда бу ўзбек минталитетидаги ўзига хос қадрият. Бироқ шоғирднинг болалари устознинг қарийб тўғридан-тўғри невараларига айланади. Баъзан ҳайрон қоламан. Ҳар қандай шоғирднинг турмуш ўртоғи домланинг қизи ёки ўғлига айланади. Шоғирд эса шоғирдлигича, толиблигича қолаверади.

Домла нафақат байрам ёки

**МИЛЛИЙ МАДАНИЯТНИ
ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР
АСОСИДА УНИНГ ТУБ
МОҲИАТИНИ ЎРГАНИШ,
ЎЗБЕК МИЛЛИЙ
ФАЛСАФАСИНИНГ
УЛКАН ТАРМОҒИГА
АЙЛАНТИРИШ,
МИЛЛИЙ МАДАНИЯТ
МАКТАБИНИ ЯРАТИШ
ВА БУ МАКТАБНИ
ШАКЛЛАНТИРАДИГАН,
РИВОЖЛАНТИРАДИГАН,
ИСТИҚБОЛИНИ
ТАЪМИНЛАЙДИГАН
МУҲИТНИ ТАШКИЛ
ЭТИБ, ЗАМОНАВИЙ
ОЛИМ ВА
МУТАХАССИСЛАРНИ
ЕТИШТИРИШ ЎША
ДАВР МАФКУРАВИЙ
ВОҚЕЛИГИ ШАРОИТИДА
ОСОН МАСАЛА ЭМАС
ЭДИ.**

қайсидир қувончли кунларда, балки йилнинг хоҳлаган кунида, сутканинг хоҳлаган пайтида хоҳлаган шоғирдининг уйига тортинмай телефон қиладди. Болалари билан ўзининг боласидай эркин, бемалол гаплашади. Турмуш ўртоғи билан эса қачондан буён кўрмаган қизи ё ўғли билан учрашгандай жуда чуқур эхтиром, катта меҳр-муҳаббат, бекиёс мурувват билан суҳбат қурадики, бунинг учун одамнинг жисм-у жонига сингиб кетган, қон-қонига, ҳар бир ҳужайрасига қоришиб кетган улкан маданият, тарбия, эътиборлилик фазилатлари керак бўлади.

Ҳар бир соҳанинг ўз намояндалари, бетакрор вакиллари бор. Бироқ шундай шоҳлар борки, улар турли соҳаларда миллат қалбининг бепоёнлиги, маданияти чуқурлигини намоён эта олади. Назаримизда, Саид Шермухамедов ана шундай қадрият, халқ, миллат, жамият, сиёсат тушунчаларини ўзида ифода этган баркамол инсон эди.

**Нарзулла ЖЎРАЕВ,
ISFT-International school
of finance technology and
Science – Халқаро молиявий
технологиялар институти
ректори маслаҳатчиси, сиёсий
фанлар доктори, профессор.**

БУХОРОДА “САЛОМАТЛИК УЧУН 5000 ҚАДАМ”

Кеча Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан “Саломатлик учун 5000 қадам” шиори остида оммавий соғломлаштириш юриши бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда партиянинг вилоят кенгаши ходимлари, ёшлар қаноти аъзолари, шунингдек, Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми ўқитувчи ва талабалари фаол иштирок этди.

Ушбу лойиҳа орқали аҳолининг жисмоний

фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзига бўлган қизиқишни кучайтириш ҳамда ижтимоий бирдамлик муҳитини мустаҳкамлаш мақсад қилинган.

Тадбир иштирокчилари бундай соғломлаштириш акциялари ёшларга ижобий мотивация бериши, уларни саломатликка бўлган масъулиятни чуқур ҳис этишга чорлаши билан аҳамиятли эканини таъкидладилар.

Соғлом халқ — кучли жамият асоси!



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

“Телеграмда молиявий пирамида ташкил қилган шахс аниқланди”, “Онлайн молиявий пирамида ташкил қилганлар фош этилди”, «Яна бир молиявий пирамида ташкил қилингани маълум бўлди, юзлаб одамлар чув тушган бўлиши мумкин”. Ижтимоий тармоқларда тез-тез шундай ахборотларга кўзимиз тушади. Ёки “ҳадя бериб, ҳадя олинг”, “пулларни 2 баробар кўпайтириб берамиз” каби тақлифларга, чақирувларга кўп гувоҳ бўламиз.



МОЛИЯВИЙ ПИРАМИДА: ФИРИБГАРЛАРНИНГ ЧЎНТАГИНИ КИМЛАР ТЎЛДИРЯПТИ?

Афсуски, ўтган йилда енгил ва тез пул топиш ваъдаси тарғиб қилинган алдамчи лойиҳалар ўн минглаб юртдошларимизни ўз домига тортди. Оммавий ахборот воситаларида фирибгарлик схемалари, одамларни чув тушириб, пулини ўмарिशга қаратилган лойиҳалар фош этилгани ҳақида қанча хабарлар ва мақолалар эълон қилинишига қарамай, кўпгина ватандошларимиз унинг тузоғига тушишда давом этмоқда.

Тахлилчилар буни номи ҳар хил бўлса-да, лекин услуби бир фирибгарлар кундан кунга кўпайиб бораётгани билан изоҳлашмоқда. Осон пул топиш вавасасига берилган, меҳнатсиз, ҳаракатсиз пул топиш илинжида яшайдиган, пассив даромад олиш йўлларини излайдиган, молиявий саводхонлиги паст одамлар эса осонгина “устаси фаранглар”нинг озуқасига айланмоқда.

Хўш, “молиявий пирамида” ўзи нима ва у қандай ишлайди? Фирибгарларнинг ёлғон ваъдаларига учмаслик учун нима қилиш керак? Мақоламизда ушбу масалани кенгроқ таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

БУ ҚАНДАЙ СХЕМА ЎЗИ?

Молиявий пирамида – бу фойдали инвестицияларга тақлид қилувчи фирибгарлик схемасидир. Бу аввалдан ўйланган пухта режа асосида ташкил этилади. Унда аввало, инсонларни алдов асосида чув тушириш мақсади ётади. Шунинг учун ҳам унинг фаолияти фирибгарлик билан ёнма-ён юради. Бунда пирамиданинг биринчи иштирокчиларининг даромадлари кейинги иштирокчилар ҳисобидан тўланади.

Маблағлар доимий равишда янги иштирокчиларни жалб қилиш ҳисобига келиб тушади. Улар пул киритишади, кейин эса янги одамларни жалб қилишади. Шу тарика пирамида ўсади. Бундан пирамида эгаси фойда олишни бошлайди.

Энг ёмони, бундай фирибгарлар тузоғига илинганлар яқин қариндошлари, таниш-билишларига ташвиқот қилишни бошлайди. Шу тарихда содда кишилар иштирокида “молиявий пирамида” ташкил этилади.

Тахлилчилар асосий фирибгарлик схемаларини маълум қилишди. Унга кўра, фирибгарлар ишонувчан фуқароларнинг пулларини олиш учун бир нечта асосий усуллардан фойдаланишади.

- Молиявий пирамидалар. Одамларга минимал сармоя билан катта даромад ваъда қилинади. Масалан, 100 АҚШ доллари сармоя киритинг ва бир ойда 1000 АҚШ доллари олинг. Бундай схемалар эртами-кечми қулайди ва инвесторларга ҳеч нарса қолдирмайди.
- Ёлғон инвестицион лойиҳалар. Гўёки муваффақиятли бизнеслар ёки стартаплардан юқори даромадли ваъдалар. Фирибгарлар муваффақиятли бизнес кўринишини яратадилар ва кейин сармоядорларнинг пули билан йўқолиб қоладилар.
- Сохта хайрия жамғармалари. Фирибгарлар сохта хайрия ташкилотларини яратиб, муҳтожларга ёрдам бериш баҳонасида пул йиғадилар.
- Телефон ва интернет фирибгарликлари. Банклар ёки давлат муассасалари вакиллари деб даъво қилаётган шахслардан кўнғироқлар, улар шахсий маълумотларни бериш ёки қандайдир “муаммоларни” ҳал қилиш учун пул ўтказишни сўрашади.

ПУЛИНГИЗ КЎПАЙИБ ҚАЙТАДИ (МИ)?

Тараққиёт асрида яшаяпмиз. Ижтимоий тармоқларга киришингиз билан сизни тез бойиб кетишга ундайдиган тақлифларга кўзингиз тушади, тўғрими? Сўнгги пайтларда

яхшигина даромад ваъда қилиб, юзлаб, минглаб фуқароларни миллионлар, миллиардларга чув туширган молиявий пирамидалар ҳақида эшитяпмиз. Фош этилганлари жазосиз қолмаяпти, албатта. Аммо одамларимизни шунча огоҳликка чақиришга қарамай, “молиявий пирамида” асосчиларининг бозори ҳеч касод бўлмаяпти. Аксинча, уларнинг сони, иш услублари йилдан-йилга ўзгариб бормоқда. Бундай “устаси фаранглар”нинг хийласига алданган қурбонлар сони ҳам тобора кўпайиб борапти, кўриб, билиб туриб одамларимиз негадир сабоқ чиқармаяпти.

Феруза АҲМЕДОВА,
ЎЗМУ социология кафедраси
доценти, социология фанлари
бўйича PhD:

- Келинг, аввало, буни оддий тилда тушунтирамиз. Молиявий пирамидаларда даромадларнинг манбаи кўп ҳолларда кўрсатилимайди. Ёки сохта номлар билан декларация қилинади. Шунинг ўзи ҳам унга ишонч йўқлигини билдириб турибди-ку. Алданганлар буни фаҳмлаганларида кеч бўлган бўлади.

Дастлаб уларнинг тартиб-таомилига кўра, ташкилотчилар мижозларни жалб қилиш ва уларнинг ишончига кириш учун олам-олам ваъдалар беришади. Содда тилда айтганда, ишонувчан кишиларнинг кўйинини пуч ёнгоққа тўлдиради. Чунки иштирокчиларнинг ҳаммасига ваъда қилинган пуллар қайтарилишининг имконияти йўқ. Амалда, пирамида қулаганидан кейин қўйилган маблағларнинг максимал 15 фоизини қайтариш мумкинлиги исботланган. Қолган содда инсонлар чув тушиб, маблағига қуйиб қолаверади.

Хўш, у қандай ташкил этилади? Молиявий пирамидалар тижорат муассасаси сифатида рўйхатдан ўтади. Қандайдир лойиҳани молиялаштириш мақсади билан маблағ тўплай бошлайди. Унинг даромади мижозларга берилган олам-олам ваъдалардан кам бўлса ёки “пухта режа” амалга ошмай, улар ўзлари кутгандек, даромад кўрмайдиган бўлса, сўнгги мижозларнинг маблағлари биринчи мижозларга берилади. Хуллас, Алининг фоизи Валининг ҳисобидан тўланиб борилади. Яқуни маълум. Катта тезлик билан шийиб борган пуфак охир-оқибат ёрилади.

Шу тарика одамлардан алдов йўли билан пул олган фирибгарларнинг юзи очила бошлайди. Афсуски, сўнгги қурбонларнинг молиявий пирамидага киритган сармояларидан маҳрум бўлгани қолади. Чунки тўпланган маблағлар ликвид активларини сотиб олишга эмас, балки аввалги сармоядорларга пулларни қайтаришга сарфланади.

ОЎЗИ КУЙГАНЛАР ҚАТИҚНИ ПУФЛАБ ИЧМАЯПТИ

Эсингизда бўлса, ўтган йили эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатувчи, яшилликни тарғиб қилиш мақсади билан янги молиявий пирамидачиларнинг ошиғи олчи бўлганди. Кўп одамларимиз уларга ишониб, кейин минг пушаймон бўлди. Улар орасида маҳалла раиси-ю мактаб ва боғча раҳбарлари ҳам бор.

Молиявий пирамидалар янги номлар ва вазифалар билан майдонга чиқмоқда. Аммо услуби эски, яъни, одамларга ваъда бериб, маблағларни ўзлаштириш. Лекин эски услубга “янги тўн” кийдиришни қойилмақом уддалаётган фирибгарларнинг тузоғини одамлар миллионлаб пулларини йўқотгандан кейин англаб етишмоқда.

Хўш, нега пул тикишда давом этамиз?

““

“ТЕКИН ПИШЛОҚ ҚОПҚОНДА БЎЛАДИ”, ДЕБ БЕЖИЗГА АЙТИШМАЙДИ. МАБЛАҒ ТИКИБ, “КАТТА ОРЗУЛАР”ГА БЕРИЛГАНЛАР ФАҚАТ ЎЗИНИНГ БОР-БУДИДАН АЖРАЛИШМОҚДА. ИШЛАМАЙ ПУЛ ТОПИШ, ОСОН БОЙЛИК ОРТТИРИШ ҲАҚИДАГИ ЁЛҒОН ВАЪДАЛАРГА УЧМАНГ. УНУТМАЙЛИК ВА ОҒОҲ БЎЛАЙЛИК, БУ ОДАМЛАРНИ ЧУВ ТУШИРИШ УЧУН ИШЛАТИЛГАН “ХЎРАК”, ХОЛОС.

Паризод ЗИЁ,
ҳуқуқшунос:

- Гуруч курмаксиз бўлмайди, дейишади. Афсуски, одамларимиз орасида пассив даромад олиш йўлларини излайдиган, тезроқ бойиш ва осон даромад олишга бўлган интилиши кучли бўлганлар бор. Аслида улар етарли даражада молиявий саводхонликка эга бўлмайди. Ҳаттоки, рискларни тўғри баҳолаш кўникмасига эга бўлмай туриб, турли инвестицион ташкилотларга сармоя киритади. Оқибатда эса улар осонгина молиявий пирамида қурбонига айланади. Буни қарангки, ўз уйини сотиб, молиявий пирамидага катта миқдорда сармоя киритган фуқаролар ҳам бор. Афсуски, ҳозир молиявий пирамидаларга интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ёшлар ҳам жалб қилинмоқда.

Тўғри, уларнинг таклифи жуда жозибадор ва ваъдалари анча баландпарвоз бўлади. Уларнинг дастлабки иштирокчилари чиндан ҳам тиккан пулини фойда билан қайтариб олади. Аммо бу мижозлар сонини кўпайтириш учун дастлабки йўл ҳисобланади. Улар ўзи фойда кўрганини бонг уриб, атрофдагилар, яқинларини жалб қилади. Ҳаттоки, “шунча пул тикиб, бунча маблағни қўлга киритдим”, дея видео лавҳалар ҳам тайёрлаб, ижтимоий тармоқларда реклама қилишади.

Одатда, молиявий пирамида яратувчилари молиявий саводхонликка эга бўлмаган одамларни максимал даражада жалб қилиш мақсадини кўзлайди. Бунинг учун инфлюэнсерларни ва ижтимоий тармоқларда фаол бўлган блогер ва вайнерларни ишга солади. “Фотошоп”да ясалган сохта суратлар билан одамларнинг ишончига қиради.

Лекин кейинчалик иштирокчилар сони ортган сари ташкилотчилар бошқарувни бутунлай йўқотади. Чунки, бу фаолият қанча узоқ давом этса, мижозларга пулларни қайтариш имкониятлари ҳам камайиб бораверади.

Яқинда бир танишим телеграмда бир каналга уланиб қолади. Унга қанча пул ташлаб берса шу суммага қараб пулини кўпайтириб беришлари ваъда қилинади. Дўстимнинг айтишича, қизиқишга 500 минг ташлаб кўради. Унга 7-8 соат мобайнида телеграмдан “пулингиз шунча суммага кўпайди”, деган хабарлар келган. Ўша куннинг ўзида пулингиз 20 миллион бўлди, карта рақами ташласангиз ўтказиб беришамиз дейишади. Карта рақами ташлангач, яна қандайдир тўловлар учун карта рақами ташлашади. Бунинг учун 2-3 миллион тўловлари ҳам бор экан. У шундан кейин алданганини билган ва телеграмдан ушбу канални ўчириб ташлаган. Лекин анча пайт хабар ёзган аккаунт эгасидан аввалгидек тақлифлар келиб турган.

Шунингдек, яна бир танишим телеграмда “Ҳадя бериб, ҳадя олинг” номли гуруҳга аъзо бўлиб, гуруҳдаги “пулларни 2 баробар кўпайтириб берамиз” мазмундаги хабарларга ишонган ҳолда 28 миллион сўм пулларни номаълум шахс пластик картасига ўтказиб берганини маълум қилди.

Кўриниб турибдики, бу – фирибгарликдан бошқа нарса эмас. Бу шунчаки қоп-коп ваъдалар бериш, холос. Унинг тузоғига илинмаслик аввало, ўзимизнинг қўлимизда. Пул осмондан тушмайди, меҳнат ва ҳаракат билан топилади. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур, деб бежиз айтишмайди-ку.

Унутмайликки, кишида молия ва инвестициялар борасида зарур кўникмалар мавжуд бўлса, уни молиявий пирамидага жалб қилиш қийин бўлади.

Шу ўринда одамларни молиявий пирамидани қандай таниш мумкин, деган савол ҳам қизиқтиради, деб ўйлайман. Уни аниқлашда ёрдам берувчи бир нечта белгилар мавжуд.

Масалан, компания фуқаролардан пул жамғарувчи фаолият билан шугулланиши ҳақида банк лицензиясига эга бўлмайди. Бундай компаниялар одатда уларнинг фаолияти лицензия талаб қилмаслиги, улар «махсус» фаолият билан шугулланишини таъкидлайди.

Аслида эса қонун билан тартибга солиниши керак бўлган фаолият тури билан шугулланади. Шунинг учун агар компаниянинг банк ёки Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган лицензияси мавжуд бўлмаса – бунга таваккал қилиш керак эмас.

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТ

Шокиржон АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

- Молиявий пирамида — фирибгарлик асосига қурилган лойиҳа бўлиб, худди фойдали инвестициядай кўринади. Аслида ундай эмас. Тўғри, «пирамиданинг учи», албатта, сезиларли фойдага эга бўлиши мумкин. Аммо, пастдагилар ҳеч вақосиз қолади. Уларнинг ўзидан бир поғона юқоридагиларга пулини тиккани ва ундан айрилгани қолади, холос.

Афсуски, ахборот технологиялари ривожланган ҳозирги замонавий дунёда молиявий пирамидалар сони йўқ бўлиб кетмайди, бунинг илоҳи ҳам йўқ. Бири тугатилади, янгиси очилади.

Бу одамларнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулкларни жалб қилиш бўйича ноқонуний фаолият ҳисоблангани учун ҳам жиноий жавобгарлик мавжуд.

ЖКнинг 188—1-моддасига кўра, молиявий пирамидалар фаолияти билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар энг кам иш ҳақининг 100 дан 300 баробаригача миқдоридagi жарима ёки 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб қилинишига ёки 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум этилишига сабаб бўлади, жумладан:

- мулкний манфаат бериш бўйича зиммага мажбурият олиш йўли билан жисмоний ва юридик шахсларнинг пул маблағларини ва (ёки) бошқа мол-мулкни жалб этишга доир ноқонуний фаолият юритиш;
- илгари олинган мажбуриятни жисмоний ва юридик шахсларнинг янги жалб этилган пул маблағлари ва (ёки) бошқа мол-мулки ҳисобидан бажариш;
- шу турдаги фаолиятга раҳбарлик қилиш ва фаолият кўрсатилишини таъминлаш;
- шу турдаги фаолиятда иштирок этишга жалб этиш мақсадида, жумладан, ОАВ ва интернет орқали реклама билан шугулланиш.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларни жалб қилиш бўйича ноқонуний фаолият олиб бориш ҳамда бундай фаолиятга раҳбарлик қилиш ва шундай фаолият кўрсатилишини таъминлаш кўп миқдорда, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ОАВ ёки телекоммуникация тармоқлари ҳамда интернетдан фойдаланган ҳолда амалга оширилган бўлса, ЭКИҲнинг 300 дан 500 баробаригача жарима ёки 2 йилдан 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишларига жалб этиш ёхуд 5 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум этилишига сабаб бўлади.

Мазкур фаолият жуда кўп миқдорда, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, 7 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Бугун кундалик ҳаётимизни телефон, компьютерсиз, умуман, ижтимоий тармоқларсиз тасаввур қилолмаймиз. Сўнгги йилларда молиявий пирамидалар интернетда кўпроқ пайдо бўлмоқда, уларни тарғиб қилиш кучаймоқда.

“Текин пишлоқ қопқонда бўлади”, деб бежизга айтишмайди. Маблағ тикиб, “катта орзулар”га берилганлар фақат ўзининг бор-будидан ажралишмоқда.

Ишламай пул топиш, осон бойлик орттириш ҳақидаги ёлғон ваъдаларга учманг. Унутмайлик ва огоҳ бўлайлик, Бу одамларни чув тушириш учун ишлатилган “хўрак”, холос.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



ҲАМКОРИМИЗ

“ҚУЙИ ЧОТҚОЛ” ГЭС: ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛК БОР

“

ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
ГИДРОЭНЕРГЕТИК
САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ
БЎЛГАН ҲУДУДЛАРДА
ЯНГИ ГЭСЛАРНИ
БАРПО ҚИЛИШ ЙЎЛИДА
ҚАТОР ЛОЙИҲАЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРМОҚДА.
“ЧОТҚОЛ ДАРЁСИДА
“ҚУЙИ ЧОТҚОЛ”
ГЭС ҚУРИЛИШИ”
ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ
ШУЛАРДАН БИРИ.

жуда муҳимдир.
Чотқол дарёсида амалга
оширилаётган мазкур йирик
гидроэнергетик лойиҳа Тошкент
вилоят аҳолисини экологик тоза
ва арзон электр энергияси билан
таъминлашга хизмат қилиши,
шубҳасиз.
Маълумот учун. “Қуйи Чотқол”
ГЭС бошқа турдаги электр
станцияларига нисбатан бир қатор
афзалликларга эга. Хусусан,
– ҳар йили 91 283,4 минг м3
табiiй газни иқтисод қилади;
– экологик тоза электр
энергиясини ишлаб чиқаради,
атмосферага зарарли чиқиндилар
чиқиши қисқаради;
– ишлаб чиқарилаётган электр
энергия таннархи нисбатан
паст, яъни, иссиқлик электр
станциялари томонидан ишлаб
чиқариладиган электр энергия
нархидан 8-10 баробар арзон
бўлади;
– ГЭС ва унинг асбоб-
ускуналарини эксплуатация
қилишнинг техник муддати
нисбатан узок, иссиқлик электр
станциялардан икки баробар
кўпроқ муддатга хизмат қилади;
– қайта тикланувчи, яъни,
сув энергияси манбаларидан
фойдаланилади.
Режага биноан, «Қуйи Чотқол»
ГЭС жорий йилда Мустақиллик
байрами арафасида топширилиши
кутилмоқда.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.**

Дунё миқёсида
энергетик ресурслар
тақчиллиги ортиб
бораётган ҳозирги
даврда мамлакатимизда
қайта тикланувчи
энергия манбаларини
кўпайтириш чора-
тадбирлари тизимли олиб
борилаётгани диққатга
молиқдир. Жумладан,
“Ўзбекгидроэнерго”
акциядорлик жамияти
гидроэнергетик салоҳияти
юқори бўлган ҳудудларда
янги ГЭСларни барпо
қилиш йўлида қатор
лоийҳаларни амалга
оширмоқда. “Чотқол
дарёсида “Қуйи
Чотқол” ГЭС қурилиши”
инвестиция лойиҳаси
шулардан бири.

Тошкент вилояти Бўстонлиқ
туманида барпо этилаётган “Қуйи
Чотқол” ГЭС қурилиши объектида
“Ўзбекгидроэнерго” АЖ ахборот
хизмати ташаббуси билан бир
гурӯх оммавий ахборот воситалари
вакиллари учун пресс-тур ташкил
этилди. Унда жамият бошқаруви
раисининг биринчи ўринбосари
Беҳзод Амирсайдов мазкур ГЭС
қурилиши ва унинг аҳамияти
хақида ахборот берди.
– Лойиҳага кўра, ҳар бирининг
куватти 22,5 МВт бўлган 4
та гидроагрегатни ўрнатиш
мўлжалланган, – дейди
Б. Амирсайдов. – “Қуйи Чотқол”
ГЭС куватти 90 МВт бўлиб, йиллик
ўртача электр энергияси ишлаб
чиқариш ҳажми 300 миллион
кВт соатга тенг. Яъни, ГЭС

келажакда йилига ўртача 125 минг
хонадонни электр энергияси билан
таъминлашга хизмат қилади.
Шунингдек, йилига ўртача 81,0
миллион м3 гача табiiй газни
ёки 250 минг тонна кўмирни
иқтисод қилиш имконини беради.
Иншоот гидрологик режимга
таъсир қилмайди ва гидробиологик
объектларга зарар етказмайди,
атроф-муҳит ва табиат ўзгаришига
таъсир кўрсатмайди.
– Эътиборли жиҳати, лойиҳа
асосида нафақат мамлакатимиз,
балки минтақа миқёсида илк бор
босиб зичланган бетон (RCC)
технологияси асосида тўғон
қурилмоқда, – дейди “Қуйи
Чотқол” ГЭС қурилиши бош
муҳандиси Ўткир Иброҳимов.
– Унинг баландлиги 60 метр,
узунлиги 270 метр, устки
қисми эни 7,5 метр бўлиб, сув
омборининг ҳажми 6,8 миллион
м³ни ташкил этади.

Ушбу қурилиш методи
грунтли тўғонни барпо этишдаги
содда усулларга ўхшаш
бўлиб, иссиқ кунда цемент ва
инерт материаллар ҳарорати
туширилган ҳолда бетон
маҳсулоти тайёрланиши ҳамда
босиб зичланган бетон таркибида
маҳсус қўшимчалар мавжудлиги
сабаб бетон ётқизилганда унинг
ҳарорати мўътадил бўлади. Бу эса,
ўз навбатида, бетоннинг қизиб,
деформацияга учрамаслигини
таъминлайди.
– Цементация ишларини
амалга оширишда Германиянинг
GERTEK компаниясининг илғор
ускунасида фойдаланмоқдамиз,
– дейди “Қуйи Чотқол” ГЭС
қурилишининг техник ишлар
назорати бўйича мутахассиси Одил
Абдуалимов. – Ушбу технология
автоматик тарзда цементация учун
маҳсус қоришмани тайёрлайди
ҳамда уни скважиналарга

юборади. Аҳамиятли жиҳати,
мазкур ускунани масофадан,
дунёнинг исталган нуқтасидан
туриб бошқариш ва иш
фаолиятини реал вақт режимида
кузатиш мумкин. Цементация
ишлари учун 650 метрдан зиёд
узунликда туннел очилган.
Дарвоқе, лойиҳа доирасида
емирилишга чидамли ва
мустаҳкамлик даражаси
юқори бўлган М800 маркали
мустаҳкам бетон қўлланилмоқда.
Эътиборли жиҳати, бетонни
ташиш учун замонавий тасмали
конвейер технологияси жорий
этилган бўлиб, бундай ечимдан
дунёда фақат АҚШ, Канада,
Италия, Эрон ва Ўзбекистонда
фойдаланилмоқда.
Яна бир муҳим жиҳат
шукки, юртимиз тарихида илк бор
тўғон ва ГЭС биноси яхлит иншоот
сифатида, жаҳон стандартларига
мувофиқ барпо этилмоқда. Объект
фойдаланишга топширилгандан
сўнг 120 нафардан зиёд маҳаллий
ёш мутахассис доимий иш ўрнига
эга бўлади.
– Биз бу ерда асосан
гидроиншоотларнинг сифат
назорати билан шуғулланяпмиз,
– дейди “Қуйи Чотқол” ГЭС
қурилишининг лаборатория
бўлими бошлиғи Суннат Нуоров
– Яъни, бетон намуналарини
олиб, уларнинг мустаҳкамлик
кўрсаткичларини лабораторияда
синаймиз. Шунингдек,
қурилишда қўлланилаётган барча
материаллар — темир, цемент, кум
ва шағалнинг техник талабларга
мувофиқлигини текширамиз. Бу
ишлар гидроэлектр станциянинг
хавфсиз ва самарали ишлаши учун



ИБРАТ

Китоб инсонни яхшиликка
етақлайди. Эзгулик ва
одамийликни ўргатади. Яқин
ҳамроҳ ва ажойиб суҳбатдош
хисобланади. Шу боисдан
ҳам у ҳаёт шамчиروғига
киёсланган. Президентимизнинг
2017 йил 13 сентябрдаги
“Китоб маҳсулотларини нашр
этиш ва тарқатиш тизимини
ривожлантириш, китоб мутлоаси
ва китобхонлик маданиятини
ошириш ҳамда тарғиб қилиш
бўйича чора-тадбирлар дастури
тўғрисида”ги қарори эса бу
борада катта янгилик бўлди.
Тарихий даврни бошлаб берган
дастуруламал ҳужжатда соҳани
яхшилаш ва қулай шароитлар
яратиш устувор вазифа қилиб
белгилангани қувонарли.

Ташаббуснинг қаноти бор, деганларидек
китобсеварлар сафи кенгаяётганини
эзгу амалларнинг давомига қиёслаш
мумкин. Бандихон туманидаги 14-сонли

МАКТАБГА 500 ДАН ОРТИҚ КИТОБ СОВҒА ҚИЛИНДИ

ихтисослаштирилган мактабда ўтказилган
хайрли тадбирда бунга яна бир бор гувоҳ
бўлдик.
Бундан 20 йил аввал даргоҳни 21
нафар ўғил-қиз тамомлаган бўлса, собиқ
битирувчиларнинг қадрдон масканга
ташрифи қўшалоқ шодиёнага айланиб
кетди. “Мактабни яна бир бор эслаб”
мавзуйда ўтказилган анжуманда фахрий
педагоглар, устоз-мураббийлар ҳамда
ёшлар иштирок этишди. Қатнашчилар бир
муддат болаликка қайтиб, беғубор ва шўх-
шодон дамларни хотирлашди. Саховатпеша
ва олижаноб инсонларнинг 500 дан ортиқ
бадий китоб совға қилгани эса янада
шукхли кечди.
– Бебаҳо хазина туҳфа қилинишини
тўғриси, ҳеч ким кутмаганди, – дейди
Бандихон туман мактабгача ва мактаб

таълими бўлими
мудри Музаффар
Абдушукuroв. –
Миллат келажаги
бўлган ўғил-
қизларимиз кўп
йиллар жаҳоҳирлар
оламидан баҳраманд
бўлишига ишонаман.
Анъана мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч
ёзса, ўйлайманки, кўзланган асл мақсадга
эришган бўламиз.
– Китобга меҳр-муҳаббат уйғотиш
давр талаби, – дейди 14-сон
ихтисослаштирилган мактаб директори
ўринбосари Анвар Нурмуҳаммедов.
– Мингдан ортиқ китоб фондига эга
кутубхонамизга яна 500 дан зиёд ўзбек
ва жаҳон адабиёти дурдоналари ҳада



қилингани айна муддао бўлди. Меҳр-
мурувватли ва жонқуяр инсонларга раҳмат.
Маънавият ва маърифатга ошно қалб
эгалари ҳаётда ўз ўринларини топиши
табiiй. Шундай экан, китоб йўлчи юлдуз
эканлигини ҳеч қачон унутмайлик.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.**

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston Ovozi

TAHRIIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 537. 1666 nusxada bosildi. O'za yakuni —
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 22:30
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda